ПАРРАНДАЧИЛИК БИНОЛАРИДА ОПТИМАЛ МИКРОИҚЛИМ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ ЯРАТИЛГАН УСКУНАНИНГ ЭНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ.

А.Б.Сатторов
Самарқанд давлат архитектура-қурулиш университети докторанти

Аннотация: Олиб борилган тадқиқотлар натижасида паррандачилик биноларида микроиқлим параметрларини таъминлаб бериш учун, вермикулит материалидан фойдаланган ҳолда энергия тежамкор ҳавони сув ёрдамида совутувчи ускуна ишлаб чиқилди.

Аннотация: В результате проведенных исследований для обеспечения параметров микроклимата в птичниках было разработано энергоэффективное оборудование с воздушным охлаждением, использующее воду, с использованием вермикулитового материала.

Annotation: As a result of the conducted research to ensure the parameters of the microclimate in poultry farms, an energy-efficient equipment with air cooling was developed, which uses water and uses vermiculite material.


Калит сўзлар: *vermikulit, nasadka, maxsulotdorlik, intensivlik, ananaviy sovutish*

Бугунги кунда ташкил этилаётган паррандачилик биноларида ички микроиқлим параметрларини яратишда қулланиладиган ускуналарнинг энергия тежамкорлик ҳамда ускунада қўлланиладиган материалларнинг сифат ва нарх жихатидан арзонлиги устувор вазифа саналади. Бу борада дунё ва юртимиз соха мутахасислари ва илмий изланувчилари томонидан иқтисодий самарадорликга эришишга қаратилган бир қатор чора тадбирлар ва илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Паррандачилик биноларининг микроиқлимини таъминлашда сув вуғлаш йўли билан хаво совутиш қурулмаларида электр энергия ва таъминот сувининг сарфини камайтириш мақсадида, сув шимувчанлиги юқори ва намликка чидамли материалларини қўллаш натижасида эришилади.

Паррандачилик биноларининг иқтисодий самарадорлигини тахлил қилишда биз бир қанча омилларни инобатга олишимиз зарур бўлади. Бунда биз паррандачилик биноларида микроиқлимни яратадиган асбоб ускуналар ва уларнинг хусусияти, ускунанинг насадка қисмида ишлатиладиган материалнинг сув шимувчанлиги, юқори намликка чидамлилиги, хаво харакатини ошириб берадиган вентиляторларнинг электир энергиясининг сарфи, ускуналарни сотиб олиш ва уларни қайта таъмирлаш ишларининг арзон ва қулайлиги ҳамда паррандачилик биноларидаги яратилган микроиқлимнинг таъсирида парваришланаётган паррандаларнинг тухум ва гўшт махсулотдорлигининг ошиши ва электр энергиянинг тежалиши каби бир қатор омилларни инобатга олишимиз зарур хисобланади.

Паррандачилик биноларида оптимал микроиқлим параметрларини яратиш мақсадида, яратилган ҳавони совутиш ускунасини амалиётга жорий қилиш ва парранда махсулотдорлигини оширишда ҳамда микроиқлим параметрларини яратишда электр энергиясининг иқтисодий самарадорлигининг ошишига эришилган. Паррандачилик биносини совутиш учун электр энергиясининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда “Sangzar parranda” МЧЖ да йиллар кесимида бинодаги ананавий совутиш тизими, сув насослар ва сув таъминотига кетадиган энергия сарфини ва яратилган энергия тежамкор ускуна ёрдамида электр энергиянинг тежалишига эришишнинг таҳлил натижаларини кўриб чиқамиз.



1-расм. “Sangzar parranda” МЧЖ таркибидаги 15 000 бош паррандаларни боқишга мўлжалланган паррандачилик биносининг йиллар кесимида электр энергияси сарфи

Паррандачилик бинолари яратилган ҳавони намлаб совутувчи қурулмалар билан жихозланмаган вақтдаги электр энергиясининг сарф қиймати.

Паррандачилик биноларида оптимал шароит яратиш учун, электр энергиясини тежаш мақсадида яратилган ҳаво совутиш ускунасининг ўрнатилгандан кейинги энергиянинг сарфланиш қиймати.

Таклиф этилган ускуна ўрнатилмаган вақтда электр энергиясининг сарфи

1-жадвал

Ойлар ҳисобида	**Ой боши**	**Ой охири**	**Фарқи**	**Суммада**
	Электр энергияси (кВт)	Электр энергияси (кВт)	Электр энергияси (кВт)	1 кВт=1000 сўм
2022 май	0	8620	8620	8620000 сўм
2022 июн	8620	17708	9088	9088000 сўм
2023 йил июл	17708	26855	9147	9147000 сўм
2023 йил август	26855	35384	8529	8529000 сўм
Жами				**35384000**

Микроиқлимни таъминловчи энергия тежамкор ускуна ўрнатилгандан кейинги электр энергиясининг сарфи

2-жадвал

Ойлар ҳисобида	**Ой боши**	**Ой охири**	**Фарқи**	**Суммада**
	Электр энергияси (кВт)	Электр энергияси (кВт)	Электр энергияси (кВт)	1кВт=1000 сўм
2023 май	35432	41859	6427	6427000 сўм
2023 июн	41859	48715	6856	6856000 сўм
2024 йил июл	48715	55757	7042	7042000 сўм
2024 йил август	55757	62665	6908	6908000 сўм
Жами				**27233000**

Паррандачилик биносида электр энергиясининг сарф бўлишини таққослаш натижасида “Sangzar parranda” МЧЖ парранда фабрикасидаги битта паррандачилик биносида микроиқлимни яратиш учун, таклиф этилган ускуна қўлланилмаган вақтда электр энергиясининг сарфи 35384000 сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Микроиқлимни таъминловчи вермикулит материалидан тайёрланган энергия тежамкор ускунадан фойдаланган ҳолда оптимал шароит ярат жарайонида эса 27233000 сўм миқдорида электр энергиясини сарфлаймиз.

$Э_{ана.шам.тиз}$= 35384000 сўм $Э_{так.этил.шам}$= 27233000 сўм

$Э_{ана.шам.тиз}$ -йилнинг иссиқ мавсумида паррандачилик биноларида микроиқлим параметрларини таъминлашда ананавий шамоллатиш тизимидан фойдаланганимизда сарфланадиган электр энергиянинг сўмдаги қиймати.

$Э_{так.этил.шам}$ -паррандачилик биноларида микроиқлим параметрларини таъминлашда таклиф этилган энергия тежамкор ускунадан фойдаланганимизда сарфланадиган электр энергиянинг сўмдаги қиймати.

$$Э_{сам} = Э_{ана.шам.тиз} - Э_{так.этил.шам}$$

$$Е_{сам}=35384000-27233000=8151000 \text{ сўм}$$

$$Е_{умум.сам} = Е_{сам}^{тухум} + Е_{сам}^{эл.энер}$$

$$E_{умум.сам} = 12655000 + 8151000 = 20806000 \text{ сўм}$$

$E_{сам}$-паррандачилик биносида қўлланилиб келинаётган ҳаво шамоллатиш қурулмалари ҳамда таклиф этилаётган энергия самарадорлиги юқори, энергия тежамкор ускуналар билан жихозланган паррандачилик биноларида электр энергиясининг ва махсулотдорликнинг сарфланиш қийматларининг ўртасидаги фарқи.

Паррандачилик биноларида микроиқлим параметрларини яратиш учун сарфланадиган электр энергиясининг улушини камайтириш ва махсулотдорликни ошириш мақсадида яратилган энергия тежамкор ускуна бинога ўрнатилгандан кейин 20 806000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликга эришилди. Бундан ташқари паррандачилик биносида яратилган энергия тежамкор ускуна ўрнатилгандан кейин, паррандачилик биносида паррандаларнинг соғлиғида хам сезиларли даражада ўзгаришга эришилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Бобоев С.М., Айматов Р.А., Айматов Р. Саноат корхоналарида табиий газ ёқилғисидан тежамкорликда фойдаланишга эришиш. (Самарқанд чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводи мисолида). Июнь 2005 йил конференция материаллари.

2. Сайдуллаев, СР; Сатторов.А.Б. “Ананавий қозонхона ўчоқларида ёқилғи сарфини таҳлил қилиш ва камчиликларини бартараф этиш” Научно-методический журнал “Uz Akademia, 2020.

3. Sattorov.A.B. “Use and analysis of gaseous fuels in industrial furnaces producing ceramics and building materials” Science and Education, 2020.

4. Сатторов, АБ. “Сопол буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат печларида газ ёқилғисидан фойдаланиш ва тахлил қилиш”. ООО «Open science». Science and Education, 2020.